

**Ярашув тўғрисидаги ишларни судда кўришда ЖПК 585-моддаси талабларига риоя қилинмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2004 йил 30 июлдаги ажримига асосан А.га нисбатан Янгийўл тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчисининг 2004 йил 22 июндаги ишни судга юбориш тўғрисидаги қарори тасдиқланиб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми тартибида тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2004 йил 28 декабрдаги ажрими билан суднинг ярашув тўғрисидаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун юборилган.

Суднинг ажримига кўра, А. 2004 йил 23 июнь куни «ВАЗ-2106» русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, Йўл ҳаракати қоидаларининг 12.1-моддасининг 3-қисми талабларини бузиб, автомашина билан И.ни уриб юбориб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 8-бандида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, қонунда суд муҳокамасини олиб боришнинг алоҳида тартиби ҳамда ярашув туфайли ишни тугатиш масаласини ҳал этиш чоғида суд аниқлаши шарт бўлган ҳолатлар доираси белгиланган, 9-бандида эса ярашганлиги сабабли суд ажрим чиқаришда Жиноят-процессуал кодекснинг 586-моддасида назарда тутилган талабларга қатъий риоя этиши шартлиги кўрсатилган.

Бироқ, ишни кўришда биринчи инстанция суди бу талабларга риоя қилмаган.

Суд ажримининг тавсиф-асослаш қисмида И. ва А.ларнинг ярашишларига асос бўлган ҳолатлар баён этилмаган.

Жиноят-процессуал кодекснинг 586-моддаси 4-қисмининг 1-бандига кўра, ажримнинг резолютив қисмида суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш назарда тутилган бўлсада, бироқ суд терговчининг «ишни судга юбориш тўғрисидаги қарори»ни тасдиқлаб, қайд этилган +онун талабини бузган.

Шунингдек, кассация инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги қарорини 27-бандининг юқори босқич суди судлар томонидан жиноят судлов ишларини юргизишда жабрланувчининг иштирокини тартибга солувчи қонунларга риоя қилинганлигини синчиклаб текшириши лозимлиги кўрсатилган талаби бажарилмаган.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари томонидан киритилган протест асосида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раёсати чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юборди.

***5р-17-05-сонли қарор***

